

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВ ЗИЁДУЛЛО НОСИРОВИЧ

ТЕМИР ЙЎЛ ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИДА МАРКЕТИНГ
КОММУНИКАЦИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economics sciences**

Рахматов Зиёдулло Носирович

Темир йўл йўловчи ташиш транспортида маркетинг
коммуникацияларидан фойдаланишни такомиллаштириш..... 5

Рахматов Зиёдулло Носирович

Совершенствование использования маркетинговых коммуникаций
на железнодорожном пассажирском транспорте..... 29

Raxmatov Ziyodullo Nosirovich

Improving the use of marketing communications in rail passenger
transportation..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВ ЗИЁДУЛЛО НОСИРОВИЧ

ТЕМИР ЙЎЛ ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИДА МАРКЕТИНГ
КОММУНИКАЦИЯЛАРИДАН ФойДАЛАНИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11 – Маркетинг

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.1.PhD/Iqt599 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зияева Мухтасар Мансурджановна
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Бекмурадов Адхам Шарипович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Исаев Равшан Абдурахмонович
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:


Тошкент молия институти


Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «5» 08 куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (998971) 233-60-01; e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdu@tsue.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1061 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (998971) 239-28-27;

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 07 куни тарқатилди.
(2021 йил «15» 07 даги 7 рақамли реестр баённомаси).




М.П. Эшов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент


Д.М. Мавлянова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д.,


Ш.Дж. Эргашходжаева
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатадики, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида транспорт хизматлари аҳамиятининг ортиши аҳолининг транспорт ҳаракатчанлигини ошириб, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратади. Кучли рақобат туфайли темир йўл корхоналари бошқа транспорт турлари, хусусан, автомобиль ва ҳаво йўллари корхоналари билан рақобатга киришмоқда. Ривожланган мамлакатлар ЯИМдаги транспорт хизматларининг улуши 5,1 трлн. АҚШ доллари ёки 8 фоизни ташкил этмоқда¹. Gartner Research ташкилоти томонидан маълум қилинган ҳисоботда 2019 йилда транспорт хизматлари соҳасидаги корхоналар даромадларининг ўртача 11,4 фоизини маркетинг харажатларига сарф этган². Йўловчи ташиш хизматларида муросасиз рақобат кечаётган бир пайтда истеъмолчиларнинг темир йўл йўловчи ташиш тизимида кўрсатилаётган хизматлар сифатига, умуман, замонавий транспорт бозори ва хизматлар турларига, йўловчи ташиш хизматларидан фойдаланиш жараёнидаги қулайликка бўлган эҳтиёжларига кўра уларнинг талабларини қондиришни тақозо этади.

Жаҳонда темир йўл йўловчи ташиш транспортида маркетинг коммуникацияларидан фойдаланиш юзасидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчи ташиш хизмати фаолиятини тизимли ташкил этиш ҳамда истеъмолчи ва темир йўл корхоналари ўртасида анъанавий маркетинг асосларидан кескин фарқ қилувчи коммуникация дастурларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Йўловчи ташиш хизматлари бозорини мақсадли сегментлаш ҳамда маркетинг коммуникация дастурларини шакллантириш, истеъмолчилар билан коммуникацион алоқалар ўрнатиш тизимини яратишга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга ошириш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг транспорт соҳасида темир йўл йўловчи ташиш хизматлари тизими муҳим ўрин эгаллайди ва жамият ҳаётидаги юқори ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга тармоқ ҳисобланади. «Худудларнинг ривожланиши учун муҳим омиллардан бири бу – уларнинг ўртасида транспорт алоқасини таъминлашдир. Қисқа қилиб айтганда, барча аҳоли пунктларидан пойтахтимизга, энг йирик шаҳарлар ва туристик марказларга тезда келиб-кетиш имкониятини берадиган, ўзаро боғланган транспорт тармоғини яратишимиз лозим»³. Мазкур вазифаларни ҳал этишда темир йўл йўловчи ташиш транспортида маркетинг фаолиятини ривожлантириш, маркетинг коммуникация дастурларини амалга ошириш устувор йўналишларини аниқлаш, туризм худудларининг транспорт инфратузилмаси

¹ www.worldbank.org

² <https://www.gartner.com>

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://review.uz/oz/post/poslanie-prezidenta-uzbekistana-shavkata-mirziyoyeva-oliy-majlisu-30-12-2020>

ҳамда транспорт корхоналарида маркетинг фаолиятини амалга оширишнинг молиявий механизмини такомиллаштириш сингари йўналишларда илмий тадқиқотларни ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон «Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» фармонлари, 2019 йил 6 мартдаги ПҚ-4230-сон «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 июндаги ПҚ-4752-сон «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси. Хорижлик олимларнинг кўплаб тадқиқотларида таълим хизматлари бозорида маркетинг стратегиялари борасида илмий хулосалар шакллантирилган. Хусусан, Ф.Котлер, Дж.Иган, Н.К.Малхотра, Дж.Барнетт, С.Мориарти, Е.Дихтль, Х.Хершген, К.Лавлок, Ж.Ландреви, Ж.Леви, Д.Линдон, Ж.Ж.Ламбен⁴ ва бошқа хориж олимларининг илмий ишларида ўрганилган.

МДХ мамлакатлари олимларидан йўловчи ташиш хизматлари бозорини ривожлантиришнинг маркетинг коммуникация сиёсати масалалари В.Г.Галабурда, Е.Н.Голубкова, М.П.Афанасьев, И.М.Аксенов, И.С.Березин, Т.А.Гайдаенко, Е.П.Голубков, М.М.Ковшова, Б.Л.Борисов, В.И.Беляев⁵ ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг баён этилган.

⁴ Котлер, Ф. Маркетинг менеджмент. Экспресс-курс / Ф. Котлер 2-е изд. – СПб.: Питер, 2006. - 464 с., Иган, Дж. Маркетинг взаимоотношений: Анализ маркетинговых стратегий на основе взаимоотношений / Дж. Иган; пер. с англ. – М.: ЮНИТИ, 2008. - 375 с.; Малхотра Н.К. Маркетинговые исследования. – М.: Вильямс, 2002 - 960 с., Барнетт Дж., Мориарти С. Маркетинговые коммуникации. Интегрированный подход. 1-е издание, 2001 год // по материалам сайта <http://www.marketing.spb.ru/read/article/a44.htm>, Дихтль Е., Хершген Х. Практический маркетинг. – М.: Высшая школа. ИНФРА-М, 1996. - .215 с., Лавлок К. Маркетинг услуг: персонал, технологии, стратегии. – М. СПб, Киев: Вильямс, 2005 - 997 с., Дибб С., Симкин Л. Практическое руководство по сегментации рынка. – СПб.: Питер, 2001 - 240с. Ландреви Ж., Леви Ж., Линдон Д. Меркатор. Теория и практика маркетинга / Пер. с франц.: В 2т. - Т.2. – М. МЦФЭР, 2006 - 512 с., Чевертон П. Теория и практика современного маркетинга: полный набор стратегий, воситаов и техник / Пер. с англ. В.Н. Егорова. – М.: ФАИР-Пресс, 2002. - 603 с.; Stephen V. The Marketing and Promotion of Towns and Cities 1850-2000. – London and New York; Spon Press, 1998. - 269 с.; Ламбен Ж.Ж. Стратегический маркетинг. – СПб.: Наука, 2006. - 589 с.

⁵ Галабурда В.Г., Бубнова Г.В., Иванова Е.А. Транспортный маркетинг; под ред. В.Г. Галабурды. – М.: ФГОУ «Учебно-методический центр по образованию на железнодорожном транспорте», 2011.– 452 с.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Ш.Бекмуратов, Р.А.Исаев, М.Р.Болтабаев, Ш.Ж.Эргашходжаева, А.А.Фаттахов ва М.С.Касимованинг тадқиқот ишлари товар ва хизматлар бозорини ривожлантириш маркетинг стратегиясининг илмий-назарий асосларини яратишга қаратилган. Шунингдек, транспорт тизимини ривожлантиришнинг маркетинг муаммолари К.У.Ульджабаев, М.А.Икромов, Я.К.Қорриева, М.Н.Ирисбекова, М.М.Зияева, М.И.Акбаров⁶ томонидан бажарилган илмий ишларда ўз аксини топган. Республикамиз олимлари томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларга қарамай, йўловчи ташиш хизматлари бозорида маркетинг коммуникация воситаларидан фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш ҳамда йўловчиларни ташиш хизматининг ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиш билан боғлиқ масалалар тизимли равишда тадқиқ этилмаган. Айнан шу ҳолат мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асос сифатида хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928537-сон “Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари” мавзудаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади темир йўл йўловчи ташиш транспортида маркетинг коммуникацияларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Голубкова Е.Н. Интегрированные маркетинговые коммуникации 3-е изд., пер. и доп. Учебник и практикум для академического бакалавриата. 2017. - 371 с. Афанасьев М.П. Маркетинг: практика и стратегия фирм. – М.: АО «Финстатипформ», 2015. - 112 с.; Березин И.С. Аналитический подход к разработке маркетинговой стратегии (книжное обозрение) Маркетинговый анализ и рыночная стратегия. – М., 2017. - 256 с. ISBN 978-5-906657-05-3, Гайдаенко Т.А. Маркетинговое управление. Полный курс МВА. Принципы управленческих решений и российская практика - 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Эксмо, 2006. – С.118., Голубков Е.П. Маркетинг: стратегии, планы, структуры. – М.: Дело, 2015.-192с. Ковшова М.М. Конкурентный маркетинг на железнодорожном транспорте. // РЖД-Партнёр, 2012. № 9. Борисов Б.Л. Технологии рекламы и PR.- М.:ФАИР-ПРЕСС,2014г.-624с, Беляев В.И. Маркетинг: основы теории и практики. – М.: КНОРУС, 2010. – 680 с.

⁶ Бекмуратов А.Ш., Қосимова М.С.ва Эргашходжаева Ш.Ж. Стратегик маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010 й.– 178 б.; Isayev R.A. Issues of developing textile clusters in Uzbekistan // International Journal of Research in Management & Business Studies (IJRMBS 2019). Vol. 6 Issue 3 July - Sept. 2019. - P.9-12. Фаттахов А.А. Стратегия маркетинга в оптовой торговле и пути повышения ее эффективности. Монография. – Т.: Фан, 2005. 179 с.; Ergashxodjaeva Sh. Innovatsion marketing. Darslik. – Т.: Cholpon, 2014. - 179 б. Икромов И., Абдурахмонов А., Назаров М. Автотранспорт иқтисоди ва бошқаруви. Ўқув қўлланма. – Т.: ТАЙИ, 2003.34-45б.; К.У. Ульджабаев. Транспортная стратегия Республики Узбекистан на период до 2030 года. Методологические принципы и подходы. – Ташкент, 2014. - 43с; Я.К. Қорриева Ўзбекистонни жаҳон бозорига чиқиши учун халқаро йўлаклардан самарали фойдаланишнинг логистик транспорт муаммолари. Иқт. фан.док. дисс. автореф., Тошкент-2004.; Ирисбекова М.Н. Автомобиль транспорти корхонасининг маркетинг коммуникациялари стратегиясини шакллантиришга услубий ёндашув. // Бозор, пул ва кредит. №12, 2013, 34-40 б.; Зияева М.М. Хизматлар бозорини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DS) диссертацияси. ТДИУ, 2018. – 171 б.); Акбаров М.И. Управление коммерческой деятельностью ОАО «Узжелдорпасс» посредством маркетинговых коммуникаций. Специальность 08.00.05 – «Экономика и управление народным хозяйством» Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Санкт-Петербург, 2011. - 22 с.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маркетинг коммуникацияларидан темир йўл транспортида фойдаланишнинг илмий-услубий асосларини ўрганиш;

темир йўл корхоналари хусусиятини инобатга олган ҳолда йўловчи ташиш хизматлари бозори истеъмолчиларини сегментлаш тамойилларини тадқиқ қилиш;

темир йўл йўловчи транспорти истеъмолчиларининг хулқ-атвориغا таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни гуруҳлаш;

«Ўзтемирйўлйўловчи» АЖ маркетинг коммуникация жараёнларини амалга ошириш алгоритминини такомиллаштириш;

темир йўл транспортида маркетинг коммуникация салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичларини йўловчи айланма билан ўзаро таъсирини эконометрик моделини ишлаб чиқиш;

«Ўзтемирйўлйўловчи» АЖ маркетинг салоҳиятини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш;

темир йўл транспортида маркетинг коммуникацияларидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзтемирйўлйўловчи» АЖ хўжалик юритиш фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини темир йўл йўловчи ташиш хизматлари бозорида маркетинг коммуникацияларидан фойдаланишни такомиллаштириш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида статистик кузатиш, сўровнома анкета, дала ва кабинет тадқиқот усуллари, эксперт баҳолаш, танланма кузатиш, қиёсий таҳлил, корреляцион-регрессион таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

темир йўл йўловчи ташиш тизимининг маркетинг коммуникациялари стратегиясини ривожлантиришда, айниқса хорижий сайёҳлар оқими юқори бўлган темир йўл маршрутларида истеъмолчиларни оптимал сегментлаш орқали вагонлар интерьерини улар талабига мослаштиришнинг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

темир йўл корхоналарида маркетинг коммуникация салоҳиятини баҳолаш ёндашуви соҳа маркетинг тузилмаларида фаолият кўрсатаётган кадрлар сифатини мустаҳкамлашни $(I_{sp} = \sqrt[3]{K_{dnp} + K_{pms} + K_{pts}})^7$ эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

темир йўл хизматларида маркетинг коммуникациялари таъсирчанлиги ва маркетинг кадрлари таркиби сифатини мустаҳкамлаш бўйича муаллиф ёндашувига кўра $(I_{imc} = \sqrt{I_{mpc} + I_{sp} + I_{spc} + I_{fn}})^8$ соҳада йўловчилар айланмаси кўрсаткичининг 2025 йилга қадар прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

⁷ Авторефератнинг 23-бетида келтирилган услубий ёндашувга қаралсин

⁸ Авторефератнинг 23-бетида келтирилган услубий ёндашувга қаралсин

«Ўзтемирйўлйўловчи» акциядорлик жамияти маркетинг коммуникация харажатларини темир йўл вокзалларида хизмат кўрсатиш режимига таъсир қилмаган ҳолда қурилиш ва санитария-эпидимиология нормалари доирасида фойдаланиш мумкин бўлган майдонларни ижара шартлари асосида савдо дўконлари ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ташкил қилиш ҳисобига қоплаш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

транспорт хизматлари бозори хусусиятидан келиб чиқиб, маркетинг коммуникациялари тушунчасининг таърифи такомиллаштирилган;

мақсадли сегментларга йўналтирилган маркетинг коммуникация воситаларини танлашга таъсир этувчи омиллар гуруҳларга ажратилган;

йўловчи ташиш хизматлари бозоридаги истеъмолчилар хулқ-атвори ўзгаришига тезкор муносабат билдириш, маркетинг коммуникация жараёнларини назорат қилиш ва уларни таҳлил қилиш имконини берувчи маркетинг коммуникацияларини амалга ошириш алгоритми таклиф этилган;

истеъмолчилар хулқ-атвори, географик жойлашуви ва даромадларини инобатга олган ҳолда йўловчи ташиш хизматлари фойдаланувчиларини мақсадли сегментларга тақсимлаш таклиф этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни шаффофли иқтисодчи олимларнинг маркетинг тамойиллари борасидаги илмий-назарий фикрларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, «Ўзтемирйўлйўловчи» АЖнинг статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари, муаллифнинг маркетинг тадқиқотлари ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти йўловчи ташиш хизматлари бозорини мақсадли сегментлаш ҳамда маркетинг коммуникация сиёсатини ишлаб чиқиш, транспорт корхоналарининг маркетинг коммуникация сиёсати дастурларини шакллантириш, истеъмолчилар билан коммуникацион алоқалар ўрнатиш тизимини яратишга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти транспорт корхоналарида истиқболли маркетинг коммуникация дастурларини ишлаб чиқиш, мамлакат йўловчи ташиш салоҳиятини ошириш борасида қабул қилинаётган қарорлар ҳамда темир йўл транспорт фаолиятини ривожлантириш самарадорлигини оширишда қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Йўловчи ташиш хизматлари бозорида маркетинг коммуникацияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

темир йўл йўловчи ташиш тизимининг маркетинг коммуникациялари стратегиясини ривожлантиришда, айниқса хорижий сайёҳлар оқими юқори бўлган темир йўл маршрутларида истеъмолчиларни оптимал сегментлаш орқали вагонлар интерьерини улар талабига мослаштириш таклифи «Ўзтемирйўлйўловчи» АЖнинг 257-М - сонли буйруғи билан амалиётга

жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 4 сентябрдаги 09/10-27-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг корхона маркетинг фаолиятига жорий этилиши натижасида ташилган йўловчилар сони 3,3 фоизга ортишига эришилган;

темир йўл корхоналарида маркетинг коммуникация салоҳиятини баҳолаш ёндашуви соҳа маркетинг тузилмаларида фаолият юритаётган кадрлар сифатини мустаҳкамлашни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича таклиф «Ўзтемирйўлйўловчи» АЖнинг 257-М - сонли буйруғи билан унинг фаолиятига жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 4 сентябрдаги 09/10-27-сон маълумотномаси). Мазкур усулнинг корхона маркетинг фаолиятига жорий этилиши натижасида маркетинг салоҳияти асосида йўловчи айланмасини 1,3 фоизга оширишга эришилган;

темир йўл хизматларида маркетинг коммуникациялари таъсирчанлиги ва маркетинг кадрлари таркиби сифатини мустаҳкамлаш бўйича муаллиф ёндашувига кўра соҳада йўловчилар айланмаси кўрсаткичининг 2025 йилга қадар прогноз параметрларидан «Ўзтемирйўлйўловчи» АЖнинг 257-М - сонли буйруғи билан жамиятнинг маркетинг фаолиятини прогноз қилишда фойдаланилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 4 сентябрдаги 09/10-27-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида «Ўзтемирйўлйўловчи» АЖнинг 2025 йилга қадар маркетинг дастурлари ва йўловчилар оқими прогнозларини ишлаб чиқиш имконияти яратилган.

«Ўзтемирйўлйўловчи» акциядорлик жамияти маркетинг коммуникация харажатларини темир йўл вокзалларида хизмат кўрсатиш режимига таъсир қилмаган ҳолда қурилиш ва санитария-эпидимиология нормалари доирасида фойдаланиш мумкин бўлган майдонларни ижара шартлари асосида савдо дўконлари ва хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил қилиш ҳисобига қоплаш таклифи «Ўзтемирйўлйўловчи» АЖнинг 257-М - сонли буйруғи билан унинг фаолиятига жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 4 сентябрдаги 09/10-27-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида акциядорлик жамиятининг маркетинг коммуникациялари тадбирларига йиллик харажатга қўшимча 25 фоиз маблағ ажратилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синондан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Йўловчи ташиш хизматлари бозорида маркетинг коммуникацияларининг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобда транспорт корхоналарида маркетинг коммуникациялари самарадорлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ифодаловчи илмий ёндашувларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида “маркетинг коммуникациялари”нинг муаллифлик таърифи ва транспорт корхоналарида маркетинг коммуникацияларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, транспорт корхоналарида маркетинг коммуникациялари самарадорлигини баҳолаш усуллари таснифланиб, унинг баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларининг илмий-услубий асослари баён этилган.

Мамлакат иқтисодиётида транспорт хизматлари ишлаб чиқариш ва аҳолининг ҳаракатланиши, бир биридан юзлаб километр узоқликдаги ҳудудларни ягона комплексга бирлаштириши, ижтимоий-иқтисодий ҳамда фан-техника тараққиётига хисса қўшиши билан намоён бўлади. Йўловчи ташиш хизматларининг ривожланиши жамиятнинг кўплаб соҳаларига таъсир этади.

Маркетинг коммуникациялари икки томонлама жараён бўлиб: бир томондан, мақсадли ва бошқа аудиторияларга ахборот юбориш орқали уларнинг хулқ-атворида таъсир этилади, иккинчи томондан, ушбу аудиторияларнинг корхона юборган ахборотларига муносабати тўғрисида қарама-қарши маълумотни қабул қилади. Бундай таркибий қисмларнинг бирлашиши маркетинг коммуникациялари тизимини вужудга келтиради. Темир йўл транспортида йўловчи ташиш хусусиятларини инобатга олиб, Шеннон ва Уивернинг коммуникация модели асосида йўловчилар билан коммуникация ўрнатиш тизими 1-расмда келтирилган.

Йўловчи ташиш хизматлари бозорида маркетинг коммуникациялари нафақат асосий хизматлар сотувини такомиллаштириш йўналишларидан бири, балки мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, унинг бош мақсади йўловчилар билан ижобий муносабат ўрнатишда корхонанинг маркетинг стратегияси, хизматлари, уларнинг нархлари ҳамда устунликлари ҳақида мақсадли сегментга ахборотлар юбориш орқали йўловчилар талабларини тўлиқ қондиришни таъминлашга қаратилган жараёндир. Маркетинг коммуникация сиёсати хизматлар тўғрисида эслатиб туриш, харидга мотивация уйғотиш, корхонанинг ижобий имижини яратиш, сотувни

рағбатлантириш, доимий талабни шакллантириш, истеъмолчилар хулқ-атвори бўйича бозор сегментларини ишлаб чиқишга асосланади.



1-расм. Йўловчилар билан маркетинг коммуникация тизими⁹

Транспорт корхоналарида янги йўловчиларни (истеъмолчиларни) жалб этиш ва мавжуд йўловчиларни сақлаб қолиш мақсадига эришиш учун, корхонанинг хизматлари сифатини яхшилаши, корхонанинг ижобий имижини яратиши ва сотув ҳажмини оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиши ҳамда уларни тўғри амалга оширишда маркетинг коммуникацияларидан самарали фойдаланишга интилиши лозим.

Қайта алоқалар тизимида ахборот ва коммуникация элементлари кўплаб истеъмолчилар танловига, воситачилар билан ўзаро муносабатларига таъсир кўрсата олувчи омилга айланади. Сотувчи ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни индивидуаллаштириш тенденцияси бозорнинг икки иштирокчиси ўртасидаги муносабатларни анъанавий маркетинг асосларидан кескин фарқланувчи мулоқот каналларига айлантиришнинг замонавий шакллари пайдо бўлишига олиб келади.

Диссертацияда кўриб ўтилган хориж ва мамлакатимиз олимларининг маркетинг коммуникацияларига берган таъриф ва тавсифлари таҳлил қилинган. Назарий мулоҳазалардан келиб чиқиб, муаллифнинг фикрича, «маркетинг коммуникациялари – корхонанинг рақобатдошлигини ошириш учун маркетинг воситалари ва уларнинг комбинациясидан фойдаланган ҳолда мақсадли сегментлар билан ўзаро алоқалар, истеъмолчиларнинг талабини шакллантиришда синергетик таъсирни таъминлаш, барқарор муносабатларни ўрнатишга қаратилган фаолият» деб таъриф берилган.

Маркетинг коммуникацияларининг бугунги кундаги энг самарали воситаларини истеъмолчилар билан муносабат ўрнатиш жараёнида қўллай билиш темир йўл транспорти хизматларининг устунлигини таъминлайди

⁹ Муаллиф ишланмаси.


ҳамда унинг бозордаги ҳолатини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу жиҳатдан, темир йўл транспортининг кескин рақобат шароитига самарали мослашиш имконини берувчи маркетинг коммуникация сиёсатини жорий этиш усуллари кўрсатилган. Шунингдек, йўловчи ташиш хизматларига талабни шакллантиришда маркетинг коммуникацияларининг энг муҳим концепциясини ташкил этувчилари илмий жиҳатдан асосланган.

Темир йўл транспорти хизматларида маркетинг коммуникацияларининг мақсади йўловчилар талабларини максимал қондирувчи сифатли ташув хизматларини таклиф этиш асосида юқори истеъмол ҳажмини таъминлаш ҳисобланади. Маркетинг коммуникациялари темир йўл корхоналарининг бош мақсадига эришишда ижобий таъсир этувчи энг муҳим маркетинг воситаларидан биридир.

Маркетинг коммуникацияларини баҳолашнинг услубий ёндашувларини ўрганиш натижасида, муаллиф йўловчи ташиш хизматларини амалга оширувчи корxonанинг маркетинг коммуникацияларини баҳолаш учун кўрсаткичлар тизимини таклиф қилади, бу маркетинг коммуникацияларининг асосий турлари реклама, шахсий савдо, сотувни рағбатлантириш, жамоатчилик билан алоқалар, адвергейминг ва уларнинг йирик таркибий қисмларини (иқтисодий ва коммуникация) батафсил таҳлил қилиш имконини беради.

Йўловчи ташиш хизматларини амалга оширувчи корxonанинг маркетинг коммуникацияларини баҳолаш учун таклиф этилаётган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш иқтисодий ва коммуникация нуқтаи назаридан турли маркетинг коммуникациялари воситаларидан (реклама, жамоатчилик билан алоқалар, шахсий савдо, сотувни рағбатлантириш, адвергейминг) фойдаланишни баҳолаш ҳамда унинг негизида маркетинг коммуникациялари стратегиясини такомиллаштириш имконини беради.

Рақобат шароитда бозордаги рақобатбардошликни таъминлаш учун нафақат сифатли хизмат, балки уларнинг истеъмолчига сифатли даражада татбиқ этиш лозим. Бу жараёнда маркетинг воситаларидан алоҳида фойдаланишдан уларнинг биргаликдаги комплекс ҳолатида фойдаланиш бирмунча самаралироқдир. Комплекс маркетинг ўзгарувчан маркетинг омиллари тўпламини акс эттирувчи замонавий маркетинг тизимининг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, уларнинг комбинациясидан корxonаларда мақсадли бозор билан ижобий алоқалар ўрнатиш учун фойдаланилади. “4P” маркетингнинг анъанавий комплекси бўлиб, унга кўра маркетинг тўрт элементдан иборат. Бироқ, фикримизча транспорт хизматлари бозори хусусиятидан келиб чиқиб, анъанавий комплексни “3S-6P” маркетинг комплексига алмаштирилиши мақсадга мувофиқ (2-расм).



2-расм. Йўловчи ташиш хизматлари бозорида “3S-6P” маркетинг комплекси¹⁰

Транспорт хизматлари бозорида турли транспорт ва хизматлар турлари мавжудлиги билан бошқа бозорлардан ажралиб туради. Шунинг учун комплекс маркетингдан фойдаланишда мақсадли сегментларнинг таркибий қисмини ҳисобга олиш зарур. Маркетинг коммуникация сиёсати танланган мақсадли сегмент, хизматлар ва истеъмолчилар хусусиятига кўра ўзгаради. Бундан ташқари, транспорт хизматлари бозоридаги ҳолат, яъни бозор конъюктурасини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Масалан, темир йўл транспорти бозори монополия бўлса, ҳаво транспорти бозори олигопол бозорга яқин, автомобиль транспорти бозорида эса монополистик рақобат мавжуддир. Бу ҳолатлар транспорт хизматларини тарғиб қилиш стратегиясини танлашда эътиборга олиниши керак. Бундан ташқари, бозор объекти транспорт хизмати ҳисобланади, шунинг учун маҳсулот эмас, балки хизматларга нисбатан ёндашув афзалдир. Йўловчи ташиш транспортида анъанавий 3P маркетинг комплексига яна 3P қўшиш мумкин: *people, physical evidence, process*.

Инсонлар (*people*) йўловчи ташиш хизматлари бозорининг ўзаро алоқага киришувчи субъектларидир: рақобатчилар, воситачилар, истеъмолчилар. Албатта бозорда барча ҳаракатлар истеъмолчиларга қаратилади, яъни йўловчиларга. Йўловчилар томонидан хизматларга берилаётган устунликларнинг муфассал таҳлилини олиб бориш ва хизматларнинг устунлик ҳамда камчиликларини ўрганиш лозим, шунда рақобатчилардан

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

шунчаки устун бўлмай, узок муддатли вақтда бозорда ҳукмронлик қилиш мумкин.

Моддий муҳит (*physical evidence*) – маркетингга ҳуқуқшунослик соҳасидан кириб келган атама. Ф.Котлер бу атамани хизмат кўрсатиш «атмосфераси» дея тарифлаган. Бошқача айтганда, хизмат кўрсатишнинг моддий имижи истеъмолчи кўради, эшитади, таъм сезади ва ушлаб кўради назарияси асосида шаклланади.

Ф.Котлернинг фикрича, хизмат кўрсатишнинг моддий муҳити қуйидаги вазибаларни ҳал этиши мумкин: а) истеъмолчилар учун хўрак бўлиши, б) истеъмолчиларга маълум самара ва ахборотни етказувчиси, в) истеъмолчи ва персоналда маълум кайфият даражасини яратиши¹¹.

Шуниси эътиборлики, моддий муҳитни яратиш режаси нафақат корхона имижини истеъмолчилар томонидан қабул қилиниши, балки персонал томонидан ҳам қабул қилинишини эътиборга олади. Истеъмолчилар томонидан хизматларнинг истеъмол қилиниш жараёни персонал томонидан яратилади. Хизмат кўрсатиш сифати кўп жиҳатдан персоналнинг айна пайтдаги ҳолатига боғлиқ. Хизматларни яратиш ва истеъмол қилиш бир моддий муҳитда содир бўлганлиги сабабли, бу муҳит ҳам истеъмолчининг ҳам ходимларнинг психологик ҳолатига таъсир қилади.

Шу муносабат билан, баъзи маркетинглар хизмат кўрсатиш соҳасида ходимларга истеъмолчилар ва истеъмолчиларга ходим сифатида қарашни таклиф қиладилар. Тадқиқотларга кўра, истеъмолчиларнинг хизматлар сифатидан рози ёки норозилик ҳолатлари ва ходимларнинг ўз ишларидан рози ёки норозилик ҳолатлари табиатан бир хил.

Маркетингнинг йўловчи ташиш хизматларидаги асосий вазибаси истеъмолчиларнинг бундай хизматларни сотиб олишга ишонтиришдир, шунинг учун истеъмолчи транспорт корхонасининг маркетинг сиёсатини белгилаб берувчи субъект ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Йўловчи ташиш хизматлари бозорининг ҳозирги ҳолати таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида йўловчи ташиш хизматлари бозорига бир қанча омиллар таъсир этиши нуқтаи назаридан бундай омиллар статистикаси ҳамда маркетинг коммуникацияларини амалга ошириш тенденциялари таҳлил қилинган. Шунингдек, темир йўл транспортида йўловчи ташиш хизматларидан истеъмолчиларнинг қониқишлари ва маркетинг коммуникация тадбирларининг самарадорлик даражасини аниқлаш учун SPSS дастурида омиллар таҳлилидан фойдаланилган.

Ташқи муҳитдаги ўзгаришларнинг юқори динамикаси, темир йўл транспорти корхоналари маркетинг фаолиятини тўлов қобилиятига эга йўловчилар хулқ-атворини ўрганиш, таклиф этилаётган хизматларни йўловчилар талабларига мослаштириш, хизматлар нархи, уларнинг ассортименти ва сифатидан йўловчиларнинг қониқишига қаратилган маркетинг коммуникацияларини такомиллаштиришни тақозо этади.


¹¹ Котлер Ф. Основы маркетинга: краткий курс. – М.: Изд. Вильямс. 2019. – 496с.

Маркетинг коммуникация дастурларини фаоллаштириш темир йўл транспортининг йўловчи ташиш хизматлари бозоридаги эгаллаб турган барқарор ҳолати ва ривожланиш динамикасини таъминлашнинг шарт-шароити ҳамда унинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Қўйилган мақсадга эришишда темир йўл транспорти маркетинг фаолиятини тизимли таҳлилисиз амалга ошириб бўлмайди. Бу жараёнда муҳим жиҳат темир йўл траснпорти фаолиятида маркетинг коммуникация дастурларидан фойдаланиш ва йўловчилар оқимини таъминловчи юқори самарали механизмни яратишга қодир, коммуникацион фаолликни ошириш имконини берувчи илмий асосланган усуллар ҳисобланади.

Транспорт фаолияти бошқа иқтисодий тармоқларнинг ривожланиши, шунингдек, у мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини башоратлашда транспорт тизими ва унинг алоҳида тармоқларининг мамлакат ёки минтақанинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларига бевосита ва билвосита таъсирини теранлик билан ўрганиш муҳимдир.

Йўловчиларни ташиш хизматлари бозорига бир қанча омиллар, жумладан: ички ва ташқи муҳит, минтақавий ва маҳаллий, маданий-маърифий, аҳоли даромадлари ва бошқа бир қанча омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Аҳоли ва унинг даромадлари йўловчи ташиш хизматлари бозорига билвосита таъсир этади. Чунки аҳоли йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг асосий истеъмолчиси ҳисобланади.

Республикамизда 2011-2020 йилларда аҳолининг реал даромадлари 6 баробарга ортган ва худди шу даврда доимий аҳоли сони 21 %га кўпайиб, 34,1 млн. кишини ташкил этган (3-расм).



3-расм. Йўловчи ташиш хизматлари бозори ҳажми динамикаси¹²

¹² www.stat.uz

Аҳоли сони ва даромадлари ортиши йўловчи ташиш хизматларига талабни янада оширмоқда. Талабнинг ортиши автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортлари ўртасидаги рақобат шаклланишига сабаб бўлади.

Республикада йўловчи ташиш хизматлари бозорининг асосий улуши автомобиль транспортига тўғри келади, 2020 йилда автомобиль транспортида ташилган йўловчилар умумий йўловчилар ҳажмининг 98,0 фоиздан кўпроғини ташкил этди. 2019 йилда йилда ташилган йўловчилар 4507,8 млн. кишидан 6025,1 млн. кишига, яъни 48 %га ошган бўлсада 2020 йилдаги пандемия туфайли бу кўрсаткич 5240,4 млн. кишига камайган (1-жадвал).

1-жадвал

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ҳажми ва йўловчи айланмаси¹³


Кўрсаткичлар	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Ташилган йўловчилар, млн. киши	4507,8	4763,0	4909,9	5169,9	5380,0	5560,4	5679,0	5951,5	6025,1	5240,4
шу жумладан:										
темир йўл	14,9	15,9	17,4	19,1	20,1	20,5	21,1	22,1	22,9	6,2
ҳаво йўллари	2,1	2,5	2,4	2,3	2,2	2,1	2,2	2,6	3,2	0,9
шаҳар электр транспорти	79,9	80,7	74,3	69,5	64,5	57,0	64,4	74,0	83,8	40,4
автомобиль транспорти	4 410,9	4 663,9	4 815,8	5 079,0	5 293,2	5 480,8	5 591,3	5 852,8	5 915,2	5 192,9
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи-км	92,3	100,2	106,9	113,2	120,1	126,0	130,0	135,3	140,1	116,7
шу жумладан:										
темир йўл	3,0	3,4	3,7	3,8	3,8	4,0	4,3	4,3	4,4	1,8
ҳаво йўллари	6,2	7,0	7,2	7,0	6,8	6,7	7,5	8,8	11,0	3,0
шаҳар электр транспорти	0,6	0,5	0,5	0,5	0,4	0,4	0,5	0,5	0,6	0,3
автомобиль транспорти	82,5	89,3	95,5	101,9	109,1	114,9	117,7	121,6	124,1	111,6
Ўртача ташиш масофаси, км	20,48	21,04	21,77	21,9	22,32	22,66	22,89	22,74	23,25	22,27
шу жумладан:										
автомобиль транспорти	12	12	12	12	13	21	21	21	20	21,5
темир йўл	203	216	211	199	187	192	204	195	196	290,3
ҳаво йўллари	2911	2743	2946	3014	3100	3206	3434	3386	3354	3333

Шахсий автомобиллар ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмол қилиш ва йўллардаги тўхташ майдонидан фойдаланиш жиҳатидан самарасиздир. Енгил автомобиллардан ҳаддан ташқари кенг фойдаланиш ҳавонинг чиқинди газлардан ифлосланиши, шовқин даражаси ошиши, ҳаракат хавфсизлиги пасайиши сингари жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, Халқаро жамоат транспорти иттифоқи (UITP) маълумотларига кўра, бир хил ташиш имкониятига эга бўлган темир йўл транспорти шахсий

¹³ www.stat.uz

автомобилга нисбатан 20 баравар кам йўл майдонини талаб қилади. Замоनावий поездлар битта йўловчи автомобиль билан таққослаганда ҳавони 5 баравар кам ифлослайди ва ҳар бир йўловчига 3 баравар кам энергия сарф этади¹⁴.

Темир йўл йўловчи айланмасида 2011-2020 йиллар оралиғида 68 %дан зиёдроқ ўсишга эришилган. Аҳолининг енгил автомобиль билан таъминланганлик даражаси 2010 йилда ҳар 100 уй хўжалигига 22 тани, 2015 йилга келиб, 42 та енгил автомобилни ташкил этган ва 2009 йилга нисбатан 100 %га ўсган. 2020 йилда эса 128,6 %га ўсиб, ҳар 100 та уй хўжалиги учун 48 та енгил автомобилни ташкил этган (4-расм). Аҳоли даромадлари ортиши улар томонидан кўпроқ енгил автомобиль харид қилиниши, иш жойи ёки сафарга боришда кўпроқ хусусий автомобиллардан фойдаланишга сабаб бўлмоқда.



4-расм. Темир йўл йўловчи айланмаси ва аҳолининг енгил автомобиль билан таъминланганлик даражаси¹⁵

Лекин ҳозирги иқтисодий ҳолатда кўплаб ривожланган мамлакатларда енгил автомобиль билан таъминланганлик даражаси камайиш тенденциясига эга бўла бошлаган. Бу хусусий автомобиллардан фойдаланиш нархлари юқорилиги ва замоनावий мегаполисларда ҳаракатланиш даражаси кийинлашиб бораётганлиги билан боғлиқ.

Истеъмолчиларнинг йўловчи ташиш транспорт турлари танлашига таъсир қилувчи омилларни тизимлаштириш, йўловчиларнинг хулқ-атворини қатъий белгиловчи муҳим омиллар гуруҳи сифатида фойдаланиш мумкин.

¹⁴ <https://www.uitp.org>

¹⁵ www.stat.uz

Муаллиф йўловчиларнинг транспорт хизматларини танлаш омилларини қуйидагича тизимлаштиришни таклиф этади (2-жадвал).

2-жадвал

Истеъмолчиларни йўловчи ташиш транспорт турлари танлашига таъсир этувчи омиллар тизими¹⁶

Танловга таъсир этувчи омиллар		
Ички таъсир омиллари	Йўловчиларнинг ресурслари	Йўловчиларнинг маблағлари
		Йўловчиларнинг вақти
		Йўловчиларнинг ҳаракатлари
		Йўловчилар билим ресурслари
		Капитал (шахсий транспорт)
	Ижтимоий-психологик омиллар	Хавфсизликка муносабати
		Корхонага садоқати
		Қулайликка муносабати
	Сафар мақсади омиллари	Меҳнат сафарлари
		Оилавий сафарлар
		Шахсий сабаб билан саёҳат
		Туризм ва дам олиш масканларига саёҳат
Ташқи таъсир омиллари	Географик омиллар	Масофа
		Иқлим
		Транспорт инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси

Темир йўл йўловчи ташиш транспорти корхоналари маркетинг ходимларининг асосий вазифаси – корхона фаолиятини истеъмолчиларнинг талабига йўналтириш ва уларни хизматлар нархлари, уларнинг ассортименти ҳамда сифатидан истеъмолчилар қониқишига қаратилган маркетинг коммуникация тадбирлари билан қўллаб-қувватлаш, яъни истеъмолчи талабини рақобатчиларга нисбатан самаралироқ ва қулайроқ усулда қондиришдир. Шу сабабли, йўловчиларни ташиш соҳасида маркетингнинг дастлабки босқичи истеъмолчилар ва уларнинг хулқ-атворини ўрганиш, жамланган маълумотлар асосида транспорт хизматларига талабни шакллантиришдир.

Диссертациянинг «**Темир йўл йўловчи ташиш транспортда маркетинг коммуникациялари самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари**» деб номланган учинчи бобида темир йўл транспорти хизматлари истеъмолчиларини мақсадли гуруҳларга сегментлаш, истеъмолчилар хулқ-атворига асосланган маркетинг коммуникация модели ҳамда «Ўзтемирйўлйўловчи» АЖ маркетинг коммуникацияларини амалга ошириш алгоритми бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар берилган. Шунингдек,

¹⁶ Муаллиф ишланмаси.

«Ўзтемирйўлийўловчи» АЖ маркетинг салоҳиятини баҳолаш услубиёти такомиллаштирилиб, унинг асосида йўловчилар оқимини прогноз қилиш имконияти асосланган.

Маркетинг коммуникациялари темир йўл корхоналари тижорат фаолиятини бошқаришнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланиб, темир йўл транспортининг хизматлари тўғрисида тўлов қобилиятига эга истеъмолчиларга керакли маълумотларни тақдим этиш орқали, уларни сотиб олишга ундайди. Шу сабабли, маркетинг ходимларига корxonанинг тижорий фаолиятини чуқур таҳлил қилиш ва шу асосида истиқболли таклифлар тақдим этиш вазифасини юклайди. Бу вазифани амалга оширишда маркетинг ходимлари кўрсатилаётган хизматларга нисбатан ҳар бир йўловчининг хатти-ҳаракати тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. Йўловчилар томонидан билдирилаётган муносабатлардан келиб чиқиб, барча йўловчиларни мақсадли сегментларга гуруҳлаш маркетинг коммуникациялари самарадорлигини янада оширади.


Мақсадли сегментлар ўз талаблари ва ўзига хос хусусиятларига эга, бўлганлиги сабабли ҳар бир мақсадли сегмент учун маркетинг коммуникацияларининг турли хил воситаларидан фойдаланилади. Мақсадли сегментлар талабларига мувофиқ маркетинг коммуникациясининг асосий параметрлари аниқланади.

Йўловчи ташиш транспорти аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги сабабли маркетинг коммуникация тадбирларини ишлаб чиқиш жараёнида бу омилларни ҳам ҳисобга олиш лозимлигини англади.

